

2. Jaksic, M., & Marinc, M. (2015). The future of banking: The role of information technology. *Bancni vestnik: Banking sector at the crossroads: challenges for the future, Forthcoming*.

3. Vives, X., & Ye, Z. (2021). Information technology and bank competition.

4. Marpaung, F. K., Dewi, R. S., Grace, E., Sudirman, A., & Sugiat, M. (2021). Behavioral Stimulus for Using Bank Mestika Mobile Banking Services: UTAUT2 Model Perspective. *Golden Ratio of Marketing and Applied Psychology of Business, 1(2)*, 61–72.

DOI <https://doi.org/10.30525/978-9934-26-277-7-167>

**CONTENT-ESSENCE, SOCIO-PHILOSOPHICAL, HISTORICAL  
AND MODERN CLASSIFICATIONS OF CONCEPTS  
OF TOURISM AND CULTURE**

**ТУРИЗМ ВА МАДАНИЯТ ТУШУНЧАЛАРИНИ МАЗМУН-  
МОҲИЯТИ, ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, ТАРИХИЙ  
ВА ЗАМОНАВИЙ ТАСНИФЛАРИ**

**Mirzarakhimov B.**

*PhD, Senior Lecturer  
of the Department of Philosophy  
Fergana State University  
Fergana, Uzbekistan*

**Мирзрахимов Б.**

*фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси  
(PhD)  
Фаргона давлат университети  
Фаргона, Ўзбекистон*

Туризм категорияси кўплаб илм-фан тармоқларида тадқиқ этилмоқда ва шу соҳаларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда унинг кўплаб таърифлари шакллантирилмоқда. Жумладан, «Туризм – назария ва амалиёт» номи қўлланмада туризм тушунчасига қуйидагича таъриф келтирилади: «Туризм – бу меҳмонхоналар ва жойлаштириш воситалари, транспорт воситалари, умумий овқатланиш объектлари, кўнгил очиш объектлари ва воситалари, билим орттириш, даволаш, соғломлаштириш, спортга доир, диний-маросимчилик, ишбилармонликка ва бошқа мақсадларга молик воситалар, туризм операторлари ва туризм агентлигини амалга оширувчи, шунингдек, туристлик-экскурсия ва гид-таржимонлик хизматларини тақлиф

қилувчи ташкилотлар мажмуидир» [1, б. 42]. Лекин туризм кўп тармоқли соҳа эканлигини инобатга олиб, берилган ушбу таърифда унинг бутун мазмуни қамраб олинмаганлигини кўришимиз мумкин.

Туризмга оид категорияларнинг илмий-назарий асосларига оид М. Алимованинг илмий тадқиқот ишида «туризм – бу элементлари ўзаро полииерархик алоқалар ва муносабатлар тизими орқали боғланган, пировард натижаларга эришишда бевосита ташриф буюрувчиларнинг иштироки билан тавсифланадиган, тармоқлараро мажмуанинг кўп қиррали функционал тузилмаси негизда шаклланадиган ҳамда ташқи муҳит ўзгаришига юқори таъсирчанликка эга очик мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизимдир» [2, б. 7], деб таъриф берилган. Берилган таърифларда туризмга объектив фаолият сифатида тадқиқ этилганини кўриш мумкин. Фикримизча, ушбу соҳани мамлакатимизда шаклланиши ва ривожланишида ўзига хос маданий хусусиятларини инобатга олиш зарур. Бу хусусиятлар туризм ва унинг маданий фаолият шакли сифатидаги ўзига хослиги бир қатор сабабларга кўра вужудга келиб, уларнинг энг асосийси ижтимоий-маданий воқеликнинг ривожланиш тенденциялари билан изоҳланади. Шу боис ҳам туризмни нуқтаи назаридан таҳлил этиш ва соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш фалсафий тадқиқотлар олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланмоқда.

Бошқа бир таъриф рус социологи П. Сорокин томонидан ишлаб чиқилган ва бу ижтимоий-фалсафий мазмунга эга. Унга кўра, «туризм асосан фаровонлик, соғлиқ, жисмоний баркамоллик, эстетик эҳтиёжни қондириш соҳасидир» [3, б. 102]. Ушбу фикрда олимнинг Ғарб цивилизацияси тарихида шахснинг дунёқараши, маданияти, аксиологик онг тизимининг устуворлиги ҳақидаги қарашини билиш мумкин. Демак, туризм маданияти ҳам инсон эстетик эҳтиёжини гўзал ва маданий шаклда қондиришни англатади.

Туризмнинг ижтимоий-фалсафий мазмунини тадқиқ этган инглиз социологи З. Бауман бўлса, замонавий жамиятда туризмдан интеллектуал ва ижодий фаолиятнинг янги шакли сифатида фойдаланишни, шахсда илмий ва амалий билимларни ривожлантиришда муҳим омил эканлигини таъкидлайди [4, б. 98]. Олимнинг мулоҳазалари бўйича, туризм маданияти саёҳатчининг интеллектуал ва ижодий фаолиятини фаоллаштиришни ўз ичига олувчи фаолият сифатида баҳоласак, инсон шахсини шакллантирувчи ижтимоий, сиёсий, гносеологик, аксиологик, эстетик, маданий фаолиятни ривожлантирувчи омил сифатида намоён бўлади.

Глобаллашув жараёнлари жадаллаштирилишидаги улуши, инсоннинг реал ахборот олиш фаолиятига таъсири ҳамда шахснинг фаол турмуш тарзи сифатини ошириши хусусиятлар уни ижтимоий-фалсафий тадқиқот объекти сифатида таҳлил этишга эҳтиёжни вужудга келтирмоқда. Бошқа бир инглиз социологи Ж. Урри туризм соҳасини ижтимоий дастур сифатида, дунёни билишнинг замонавий усули сифатида талқин этган [5, р. 2]. Яна бир инглиз тадқиқотчиси А.Я. Флиер фикрича, «туризм – инсонни ва унинг тана қиёфасини тузатувчи интеллектуал дам олиш усулидир» [6, б. 144–146]. И.Т. Касавин туризмни «билимнинг янги онтологияси» [7, б. 74] деб номлаб, инсоннинг саёҳат қилиши – билим олиш имконияти эканлигини таъкидлайди.

Бизнингча, туризм маданиятини назарий-методологик тадқиқи унинг икки мустақил тушунча, «туризм» ҳамда «маданият»нинг ўзаро бирикувидан иборат ижтимоий-маданий аҳамиятга молик феномен эканлигидан далолат беради. Маданият инсон фаолиятининг маҳсули бўлса, туризм айнан моддий ва маънавий бойликларнинг мазмунан ўзга халқ вакиллари томонидан англинишини таъминловчи интеллектуал-эмоционал фаолиятдир. «Туризм маданияти» тушунчасида эса ўз-ўзидан бу икки тушунчанинг ўзаро уйғунлиги, яъни инсонларнинг турли жойларда сайр-томоша, дам олиш ва сайёҳликни ташкил қилишларидаги муайян маданият даражаси назарда тутилади.

Юқоридаги таърифлардан ва олимларнинг ёндашувларидан келиб чиққан ҳолда, туризм туристик соводхонлик, туристик салоҳият, туристик фаоллик тушунчалари билан боғлиқ тушунчалар эканлиги намоён бўлади. Шунингдек, туризм инсоннинг ўзи яшаб турган жойини маълум муддатга тарк этиши орқали саёҳатлар, саргузаштлар, даволаниш, спорт билан шуғулланиш, тижорат мақсадларида саёҳат қилиш, зиёрат қилиш билан изоҳлаш мумкин. Инсоннинг ўзи яшаб турган худудни жамоа бўлиб тарк этиши ижтимоий муносабатларни янада мустаҳкамлайди. Туризм фаолиятини тартибга солувчи туризм маданиятига тегишли туристик соводхонлик, туристик салоҳият, туристик фаоллик тушунчалари тадқиқот ишининг ижтимоий-фалсафий категориялари ҳисобланади. Туризмнинг аксиологик хусусияти унинг маданияти ва ижтимоий-фалсафий мазмунини белгилайди. Ушбу фаолиятнинг маданий ва гедонистик, эвдомонистик характери инсоннинг жисмоний, эстетик, интеллектуал соҳасига ижобий таъсир этади. Бу эса туризм фаолиятини миллий қадриятларга риоя қилиш билан бирга, инсоннинг жамиятда ижтимоий мавқеини

белгилаш омилига айлантирмоқда. Бугунги кунда бутун дунё халқлари маданиятлари алмашинуви жараёнлари кадрият сифатида эътироф этиб борилаётган фаолиятнинг янги шакллари бўлган таълим, туризм, шоу-бизнес, оммавий маданият орқали ёйилмоқда. Жамиятда бундай жараёнларнинг жадаллашиши индустриал жамият ривожланиши сабабларини келтириб чиқаришда муҳим омил ҳисобланади [8, р. 57–58]. Маданиятлар алмашинуви даврида шахсда «туристик саводхонлик»нинг юксалганлиги саёҳатлар даврида ўзининг қатъий позициясида туришига хизмат қилади. Шунингдек, халқнинг туристик саводхонлиги юксаклиги орқали прогрессив жараёнларнинг давлат томонидан тартибга солиб турилиши ҳамда кадриятларини сақлаб қолиш, тартибга солинишини таъминлайди. Инсон саёҳат давомида турли халқлар маданияти билан танишади, табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлади, шу сабаб туристик саводхонлик шахсда география, биология, тиббиёт, тарих, геология, иқтисод, адабиёт, диншунослик, маънавият ва бошқа фанлар бўйича олган билим ҳамда малакаларини қўллаш имконини яратади. Туризмга оид тадқиқотларда зиёрат туризмнинг инсоннинг рухий, эстетик тарбиялашдаги вазифаси алоҳида таъкидланган. Зиёрат диний расм-русумларни бажариш билан бирга амалга оширадиган инсоннинг турли муқаддас маконларга саёҳатидир. У кишининг доимий яшаб турган манзилдан узоқлашган ҳолда сажда қилишга асосланган диний ёки дунёвий муқаддас жойларга зиёрат қилишидир. Зиёрат эстетик ҳиссиёт орқали инсонни маънавий ва жисмоний камолотга эришишига қўмаклашади. Инсонлар муқаддас жой ва нарсалар билан танишадилар, улардан маънавий озуқа оладилар, ҳар хил ҳодисаларга гувоҳ бўладилар. Бундай жараёнлар зиёратчиларнинг дунёқарашини кенгайтиради ва баркамолликка етишга қўмаклашади.

#### **Адабиётлар:**

1. М. Р. Болтабаев, И. С. Тухлиев, Б. Ш. Сафаров, & С. А. Абдурахимов, Туризм назария ва амалиёт. 2018. Б. 42.
2. М. Т. Алимова, Туризм тизимига оид категорияларнинг илмий-назарий талқини ва таърифларини такомиллаштириш. *“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали.* № 4, июль-август, 2016. Б. 7.
3. Сорокин П. А. Социальная и культурная динамика. Издательство "Академический проект", 2017. Б-102.
4. Bauman Z. Globalization: The Human Consequences. John Wiley & Sons, 2013. Б. 98.

5. Urry J. *The Tourist Gaze: Leisure and Travel in Contemporary Societies*. London : Sage. 1990. P. 2.

6. Флиер А. Я. Массовая культура и ее социальные функции. *ОНС*. 1998. № 6. С. 144–146.

7. Касавин И. Т. «Человек мигрирующий»: онтология пути и местности. *Вопросы философии*. 1997. № 7. С. 74.

8. Мирзарахимов, Б. Х. (2019). Культура Туризма Как Стратегия Развития Книговедения. Перспективные Области Развития Науки И Технологий. 57–58.

**DOI <https://doi.org/10.30525/978-9934-26-277-7-168>**

## **OPTIMIZATION OF TIME MANAGEMENT AND STUDENT PERFORMANCE IN MODERN CONDITIONS**

## **ОПТИМІЗАЦІЯ ТАЙМ-МЕНЕДЖМЕНТУ ТА УСПІШНІСТЮ СТУДЕНТІВ У СУЧАСНИХ УМОВАХ**

**Mykhailenko M. H.**

*PhD Candidate in the Educational  
and Scientific Program  
of Project Management  
Odesa National Maritime University  
Odesa, Ukraine*

**Михайленко М. Г.**

*здобувач рівня PhD за освітньо-науковою  
програмою «Управління проектами»  
Одеський національний морський  
університет  
м. Одеса, Україна*

В умовах сучасності більшість наукових процесів здійснюються у форматі онлайн. Тайм-менеджмент необхідно використовувати як у робочих процесах, так і у повсякденному житті для максимізації продуктивності кожної людини.

Після закінчення впливу несприятливих факторів, таких як пандемія чи війна, більшість університетів в Україні чи повністю повернуться до формату роботи офлайн, чи запропонують змішаний формат роботи.

У будь-якій роботі можна виділили 3 критерії оптимальності:

- Вартість;
- Якість;
- Час.